

**Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг
ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик
жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш
ШАРТНОМАСИ № FD/13-13/051**

Самарканд ш.

2022 й. «13» Январь

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 19 ноябрдаги СФ №00236-сонли лицензияси асосида фаолият кўрсатувчи, қуйида «Суғурталовчи» деб аталувчи «EUROASIA INSURANCE» ҚҚ СК МЧЖ номидан **Боғишамол филиали** Директор уринбосари Ашуров Азамат Давлатович фаолият юритувчи №85 05.01.2022 йил бир томондан ва қуйидаги «Суғурта қилдирувчи» деб аталувчи ООО «SAMARQAND SUV TA'MINOTI» номидан директори асосида фаолият юритувчи Yusupov Komilbek Shuxratovich. бошқа томондан ушбу Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасини (қуйида - «Суғурта шартномаси») қуйидаги шартларда туздилар:

1-БЎЛИМ. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу Суғурта шартномасининг предмети бўлиб хавфли ишлаб чиқариш (қуйида – «ХИЧ») объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш ҳисобланиб, шу муносабат билан Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини ушбу Суғурта шартномасида кўрсатилган миқдор ва муддатда тўлаш мажбуриятини, Суғурталовчи эса ушбу Суғурта шартномасида келтирилган шартлар ва/ёки ушбу Суғурта шартномасининг ажралмас қисми бўлган қўшимча келишилган шартлар, истиснолар ва иловаларга мувофиқ ушбу шартнома фойдасига тузилган бошқа шахсга (Наф олувчига) суғурта ҳодисаси содир бўлганда етказилган зарарни қуйида кўрсатилган тартибда ушбу Суғурта шартномаси билан келишилган суғурта пули чегарасида тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Суғурта объекти бўлиб Суғурта қилдирувчининг хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлиги юзага келиши билан боғлиқ мулкый манфаатлари ҳисобланади.

1.3. Ушбу Суғурта шартномасига мувофиқ Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига Ариза-сўровномада ва бошқа иловаларда тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар ушбу Суғурта шартномасининг ажралмас қисми эканлигини, шунингдек тўғри ва ҳақиқатга тўғри келувчи маълумотларга эга эканлигини тасдиқлайди.

2-БЎЛИМ. УМУМИЙ АТАМАЛАР

2.1. **Суғурта воқеаси** – Суғурта даврида суғурта ҳодисаси деб тан олинishi мумкин бўлган, ХИЧ объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказганлик учун Суғурта қилдирувчининг фуқаролик жавобгарлигини юзага келиши.

2.2. **Суғурта ҳодисаси** – хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлганда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказилганлиги учун суғурталанувчининг фуқаролик жавобгарлигининг бошланиши факти.

2.3. **Авария** – иншоотлар ва (ёки) ХИЧ объектларида қўлланадиган техника қурилмаларининг бузилиши, суғурта шартномаси амал қиладиган даврда (суғурта муддатида) рўй берган назорат қилиб бўлмайдиган портлаш ва (ёки) хавфли моддалар ажралиб чиқиши. Авариянинг техник тавсифи, тавсилотлари, сабаб ва оқибатлари ХИФ дан фойдаланиш бўйича техник масалаларни тартибга солувчи амалдаги меъёрий ҳужжатлар, авария сабабларини техник жиҳатдан текшириш далолатномаси, мутасадди идораларнинг, бошқа ихтисослашган ташкилотларнинг хулосаларига мувофиқ аниқланади.

2.4. **Суғурта пули** – Суғурталовчининг Суғурта шартномаси бўйича Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи олдидаги мажбуриятларининг чегарасини ўзида акс эттирувчи пул маблағлари миқдори.

2.5. **Суғурта мукофоти (суғурта бадали/тўлови)** – Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига ушбу Суғурта шартномаси билан белгиланган тартиб ва муддатда тўлаши шарт бўлган суғурта учун тўлов. Суғурта шартномаси билан суғурта мукофотини навбатма-навбат суғурта бадаллари кўринишида босқичма-босқич тўлаш назарда тутилиши мумкин.

2.6. **Суғурта товони** – суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурта қилдирувчи/Бошқа шахслар қўрган зарарни қоплаш учун суғурта пули чегарасида Суғурталовчи томонидан тўланадиган пул маблағлари миқдори.

2.7. **Суғурта полиси** – ушбу Суғурта шартномаси бўйича Суғурталовчининг мажбуриятлари қучга кирганлигини тасдиқловчи, суғурта мукофоти тўлангандан кейин Суғурта қилдирувчига бериладиган ҳужжат. Суғурта полиси суғурта муддати мобайнида амалда бўлади.

2.8. Суғурта шартномаси амалда бўладиган муддат – суғурта шартномаси амалда бўладиган давр.

2.9. Суғурта муддати – суғурта полисида кўрсатилган муддат. Ушбу шартнома билан шартлашилган суғурта шартномаси кучга киргандан кейин содир бўлган суғурта ҳодисаларига нисбатан кучга эга бўлиб, суғурта полисида кўрсатилган суғурта муддати мобайнида амалда бўлади.

2.10. Суғурта қилдирувчи – ХИЧ объектидан фойдаланувчи, ушбу суғурта шартномасининг 1-иловасида кўрсатилган ташкилот (юридик шахс).

2.11. Бошқа шахс (Наф олувчи) – ХИЧ объектида авария бўлганда ҳаёт, соғлиқ ва (ёки) мол-мулкка зарар етказилганлиги учун Суғурта қилдирувчига даъво билан чиқишга ҳақли жисмоний шахс/юридик шахс/давлат.

2.12. Суғурта ҳудуди – ХИЧ объектида жойлашган, Суғурталовчи суғурта ҳимоясини тақдим этадиган жой.

2.13. Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома – суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурта қилдирувчи ёки унинг вакили (зарур ҳолатда Наф олувчи) иштирокида Суғурталовчи томонидан тузиладиган ва авария вақти, жойи ва сабаби, бошқа шахсларга етказилган зарар миқдори, шунингдек зарарни камайтириш мақсадида Суғурта қилдирувчининг сарф-харажатлари миқдори тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олувчи ҳужжат.

2.14. Хавфли ишлаб чиқариш объектининг идентификация варағи – ХИЧ объект ва ундан фойдаланувчи ташкилотнинг аломатлари, типи ва реквизитларининг йиғиндисини ўзида акс эттирувчи ҳужжат.

2.15. Хавфли ишлаб чиқариш объектининг типи – ХИЧ объектида мавжуд хавфли моддалар ва уларнинг категорияси асосида ХИЧ объектининг хавфлилик даражасини белгиловчи ХИЧ объектининг тавсифи.

3-БЎЛИМ. СУГУРТА ҲОДИСАСИ.

3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги 271-сонли Қарори, шунингдек ушбу Суғурта шартномасида кўрсатилган муддатлар, шартлар ва истисноларга мувофиқ Суғурталовчи Суғурта қилдирувчининг хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлиги юзага келиши билан боғлиқ мулкий манфаатларига суғурта ҳимоясини тақдим этади.

3.2. Ушбу Суғурта шартномасига мувофиқ ушбу Суғурта шартномасининг 1-иловасида кўрсатилган ХИЧ объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлиги юзага келиши суғурта ҳодисаси деб тан олинади.

3.3. Ушбу Суғурта шартномасига мувофиқ фақат Суғурта қилдирувчининг жавобгарлик хавфи ва фақат бошқа шахслар (Наф олувчилар) фойдасига суғурталанган.

3.4. Ушбу Суғурта шартномаси мазкур Суғурта шартномасининг 1-иловасида кўрсатилган ХИЧ объектига нисбатан тузилган.

3.5. Ушбу Суғурта шартномаси бўйича Суғурта пули ушбу Суғурта шартномасининг 1-иловасида кўрсатилган.

3.6. Ушбу Суғурта шартномаси бўйича Суғурта мукофоти ушбу Суғурта шартномасининг 1-иловасида кўрсатилган.

3.7. Суғурта мукофоти ушбу Суғурта шартномасининг 1-иловасида кўрсатилган тартибда ва муддатда тўланади.

3.8. Суғурта мукофоти/навбатидаги бадал тўланган кун бўлиб пул маблағлари Суғурталовчининг банк ҳисоб рақамига келиб тушган кун ҳисобланади.

3.9. Агар суғурта мукофоти ёки унинг биринчи/навбатдаги бадали (агар бундай бадаллар Суғурта шартномаси билан назарда тутилган бўлса) ушбу Суғурта шартномаси билан белгиланган муддатда тўланмаса, Суғурталовчи Суғурта шартномасини биртомонлама бекор қилишга ҳақли ва шундан келиб чиққан ҳолда тўлов муддати тугаган пайдан бошлаб Суғурта шартномаси амал қилиши тугатилади ва ўз юридик кучини йўқотади (автоматик тарзда бекор қилинади) ҳамда Суғурталовчи учун суғурта товони тўлови бўйича ҳеч қандай мажбуриятларни келтириб чиқармайди.

3.10. Ушбу Суғурта шартномаси бўйича барча ўзаро ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда амалга оширилади.

4-БЎЛИМ. УМУМИЙ ИСТИСНОЛАР

4.1. Ушбу Суғурта шартномасига мувофиқ Суғурта қилдирувчининг куйидаги ҳолатлар натижасида фуқаролик жавобгарлиги суғурта ҳодисаси деб тан олинмайди:

а) Суғурта қилдирувчининг ва/ёки бошқа шахснинг (Наф олувчининг) Суғурта қилдирувчининг

жавобгарлигини юзага келишига олиб келган қасддан қилган ҳаракатлари;

Изоҳ. Бунда Суғурта қилдирувчи вакилининг айби билан амалга оширилган ҳаракат бўлиб ушбу вакил амалдаги меъёрий ва бошқа ҳужжатларга, ХИЧ объектидан фойдаланиш амалиётига кўра ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) салбий оқибатлари ҳақида билган ёки билиши шарт бўлган ҳолда қилинган ҳаракатлар ҳисобланади. Вакил мавжудлиги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларига мувофиқ аниқланади.

б) ядровий портлаш, радиация, радиоактив заҳарланиш, агар бу ушбу ишлаб чиқариш объектидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаса;

в) ҳарбий ҳаракатлар, шунингдек манёврлар ёхуд қуролланган тузилмалар ёки террорчиларнинг бошқа ҳарбий тадбирлари, ҳаракатлари;

г) оммавий тартибсизликлар, бошқа оммавий фуқаролик бўйсунмаслик ҳаракатлари, иш ташлашлар;

д) енгиб бўлмас куч ҳолатларининг таъсири: табиий офатлар, стихияли тавсифдаги табиий ҳодисалар;

е) ХИЧ объектидан фойдаланиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган ҳолатларнинг ва/ёки Суғурта қилдирувчининг жавобгарлигининг юзага келиши;

ж) қонун ҳужжатлари ва ушбу Суғурта шартномаси билан назарда тутилган бошқа ҳолатлар.

4.2. Ушбу Суғурта шартномасига мувофиқ қуйидагилар бўйича ҳар қандай арзномалар/даъволар суғурта ҳодисаси бўлиб ҳисобланмайди:

а) бошқа/учинчи шахсларга етказилган маънавий зарар;

б) Суғурта қилдирувчи Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига биноан шартнома (битим) бўйича хизмат вазифаларини бажараётганда у билан хизмат муносабатларида бўлган шахсларга етказилган зарар;

в) Суғурта қилдирувчи мулкдорлик, оператив бошқарув ҳуқуқи ёки бошқа қонуний асосда (ижара ҳуқуқи, сақлаш шартномаси, ишончнома, тегишли идоранинг топшириғи билан унга мол-мулк берилиши ва х.) эгаллик қилган мол-мулкка етказилган зарар;

г) Суғурта қилдирувчининг неустойка (жарима, пеня) тўлаш, кафолат мажбуриятларини ва шунга ўхшаш мажбуриятларни бажариш, шартномавий мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик билан боғлиқ зарарлари;

д) йўқотилган фойда.

4.1. Суғурталовчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳолатларда ҳам суғурта товони тўловидан озод бўлади.

5-БЎЛИМ. ШАРТНОМА КУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

5.1. Ушбу Суғурта шартномаси Суғурта қилдирувчининг Суғурталовчи белгилаган шаклида расмийлаштирилган ёзма аризасига мувофиқ тузилган.

5.2. Ушбу Шартнома келишилган суғурта муқофоти ёки унинг биринчи бадали ўз вақтида тўланиши шarti билан томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради ва ушбу Шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган муддат мобайнида амалда бўлади.

5.3. Суғурта муқофоти ёки унинг биринчи бадали ўз вақтидан кейин тўланган тақдирда Суғурта шартномаси келишилган суғурта муқофоти тўланган пайтдан бошлаб кучга киради ва ушбу Шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган муддат мобайнида амалда бўлади. Суғурта муқофоти ёки унинг биринчи қисми бўлиб пул маблағлари Суғурталовчининг ёки унинг Суғурта агентининг банк ҳисоб рақамига келиб тушган кун ҳисобланди.

5.4. Ушбу Шартнома билан шартлашилган суғурта суғурта шартномаси кучга киргандан кейин содир бўлган суғурта ҳодисаларига нисбатан қўлланилади ва суғурта полисида кўрсатилган суғурта муддати мобайнида амалда бўлади.

5.5. Суғурталовчи Суғурта полисида кўрсатилган Суғурта муддати мобайнида содир бўлган авариялар оқибатида содир бўлган суғурта ҳодисалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари мувофиқ мажбуриятларга эга бўлади.

5.6. Суғурта полиси Суғурталовчининг банк ҳисоб рақамига суғурта муқофоти/биринчи/ навбатдаги бадал келиб тушгандан кейин 3 (уч) иш куни ичида берилади. Суғурта муқофоти тўлиқ тўланмаган тақдирда Суғурта полиси суғурта муқофотининг тўланган қисмига мутаносиб муддат учун берилади.

6-БЎЛИМ. СУГУРТА ШАРТНОМАСИНИ БЕКОР ҚИЛИНИШИ ВА ТУГАТИЛИШИ

6.1. Суғурта шартномаси муддатидан аввал томонлардан бирининг ёзма аризасига биноан бекор қилиниши мумкин. Ушбу Шартномани муддатидан аввал бекор қилиш учун барча тарафларнинг ёзма розилиғи бўлиши шарт. Суғурта шартномаси уни бекор қилиш ҳақидаги келишув битими имзоланган кундан кейинги кунда бекор бўлган ҳисобланади.

6.2. Мазкур суғурта шартномаси Суғурталовчи айби сабабли бекор қилиниши талаб қилинган тақдирда, тўланган суғурта мукофоти Суғурта қилдирувчига тўлиқ қайтариллади.

6.3. Ушбу Шартноманинг 6.2. бандида кўрсатилган важдан бошқа сабаб билан Шартнома Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи талабига кўра бекор қилинганда, суғурта мукофоти, ундан Суғурталовчининг 25% миқдоридоги сарф-харажатлари чегирилиб, қолган суммани суғурта муддатининг ўтмаган даврига мутаносиб равишда қайта ҳисоблаб қайтариллади.

Агарда мазкур Суғурта шартномаси амалда бўлиш даврида муқаддам суғурта товони тўланган бўлса ёки бундай тўлов амалга оширилиши лозим бўлса, бундай вазиятда тўланган суғурта мукофоти қайтарилмайди.

6.4. Мазкур суғурта шартномаси Суғурта қилдирувчи айби сабабли бекор қилиниши талаб қилинган тақдирда, тўланган суғурта мукофоти Суғурта қилдирувчига қайтарилмайди.

6.5. Ушбу Шартнома қуйидаги ҳолатларда тугатилади:

- а) Амал қилиши муддати тугаганда;
- б) Суғурталовчи Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи/Ҳайдовчи олдидаги ўз мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажарганда;
- г) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида келтирилган бошқа ҳолатларда.

7-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Суғурталовчининг ҳуқуқлари:

7.1.1. ушбу Суғурта шартномаси амал қилиши даврида ўз ҳисобидан суғурта қалтислиги даражасининг ўзгаришини аниқлаш мақсадида суғурта объектини мустақил текширувини ўтказиши;

7.1.2. Суғурта шартномасини тузаётганда ва Суғурта шартномаси амалда бўлган даврда суғурта қалтислигини баҳолаши;

7.1.3. етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш мақсадида тергов ўтказиши;

7.1.4. аварияни техник текшируви материаллари, зарар етказилганлиги юзасидан мутасадди идоралардан берилган ахборот ва ҳужжатлар, тиббий хулосалар, йўқолган (шикастланган) мол-мулкнинг қиймати ҳақида хулоса қилишга имкон берувчи ҳисоблар, амалга оширилган ишлар қиймати, шунингдек бошқа зарур ҳужжатларни сўраши ва олиши;

7.1.5. Суғурта қилдирувчи тақдим этган ахборотни текшириши, Суғурта қилдирувчи ушбу Суғурта шартномаси талаблари ва шартларини бажаришини назоратини юритиши;

7.1.6. Суғурта қилдирувчидан саноат хавфсизлиги талабларига риоя этилишини талаб қилиши;

7.1.7. зарарни камайтириш учун ўзи зарур деб билган чораларни кўриши, Суғурта қилдирувчининг ёзма топшириғига биноан унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши ва зарарни тартибга солиш ишларини юритиши;

7.1.8. суғурта товони тўловини рад этиши, агар:

а) Суғурта қилдирувчига суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ҳақида маълум бўлгандан кейин ушбу Суғурта шартномасида кўрсатилган муддат ва услубда у содир бўлганлиги ҳақида хабар бермаса, агар Суғурталовчи бу ҳақда ўз вақтида билганлиги ёки Суғурталовчида бу маълумотлар мавжуд бўлмаганлиги унинг суғурта товони тўлаш мажбуриятига таъсир этмаслиги исботланмаса;

б) ушбу Суғурта шартномаси амал қилган муддатда Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига ушбу Суғурта шартномаси тузилаётганда хабар қилган тавсилотлар ўзгарганлиги ҳақида, агар бу ўзгаришлар суғурта қалтислигини ошишига аҳамиятли даражада таъсир этган бўлса, хабар қилмаса;

в) Суғурта қилдирувчи ХИЧ объектида авария бўлишини олдини олиш, авария содир бўлганда бошқа шахсларга етказилаётган зарарни камайтириш бўйича зарур ва имкони мавжуд чораларни кўрмаса;

г) Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) Суғурталовчи қоплаган зарарлар учун жавобгар шахсдан талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) айби билан ушбу ҳуқуқни амалга оширишнинг имкони бўлмай қолса. Бунда Суғурталовчи ортиқча тўланган товон миқдорини қайтарилишини талаб қилишга ҳақли.

д) Суғурта қилдирувчи етказилган зарарнинг тавсилоти, тавсифи ва миқдорини аниқлашда Суғурталовчи иштирок этишига қаршилиқ қилса;

е) Суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси содир бўлиши факти ва зарар миқдорини аниқлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар/маълумотлар/ахборотларни тақдим этмаса;

ж) Суғурта қилдирувчининг жавобгарлиги Суғурта қилдирувчининг ва/ёки унинг вакилининг/ходимининг/хизматчисининг ва/ёки Суғурта қилдирувчининг бошқа алоқадор шахсининг (пудратчиси, мол етказиб берувчиси ва ш.к.) кўпол эҳтиёткорсизлиги натижасида юзага келса.

з) Суғурталовчи шунингдек Суғурта қилдирувчи ва/ёки унинг вакиллари ушбу Суғурта шартномаси бўйича ўз зиммаларига қабул қилган мажбуриятларни бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда суғурта товонини тўлашни рад этиш ҳуқуқига эга.

7.1.9. агар Суғурта шартномаси тузилгандан кейин Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига суғурта

ҳодисаси содир бўлиши эҳтимоли ва у содир бўлишидан етиши мумкин бўлган зарарларни аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга, унга маълум тавсилотлар ҳақида аввалдан ёлгон эканлиги маълум бўлган маълумотларни тақдим этаганлиги аниқланса, ушбу Суғурта шартномасини ҳақиқий эмас деб тан олишини талаб қилиши. Муҳим бўлиб Суғурталовчи билан Ариза-сўровномада келишилган тавсилотлар ҳисобланади.

7.1.10. суғурта мукофоти (ёки унинг қисми) Суғурта шартномасида келишилган муддатда тўланмаса, суғурта шартномасини биртомонлама бекор қилиб, натижада тўлов муддати тугагандан (набатдаги тўлов тўланиши шарт бўлган) пайтдан бошлаб Суғурта шартномаси амал қилиши тугатилади ва у ўз юридик кучини йўқотади (автотик тарзда бекор қилинади) ва Суғурталовчи учун суғурта товони тўлаш бўйича ҳеч қандай мажбурият келтириб чиқармайди.

7.2. Суғурталовчининг мажбуриятлари:

7.2.1. ушбу Суғурта шартномаси билан белгиланган муддатда Суғурта полисини бериши;

7.2.2. Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта ҳодисаси содир бўлиши қалтислигини камайтириш бўйича чоралар амалга оширилган тақдирда Суғурта қилдирувчининг аризасига кўра суғурта ҳодисаси содир бўлиши қалтислиги камайганлигини ҳисобга олган ҳолда ушбу Суғурта шартномасининг шартларини қайта кўриб чиқиши;

7.2.3. суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта тўловини ушбу Суғурта шартномаси билан белгиланган муддатда амалга ошириши ёки суғурта товони тўловини рад этишнинг ёзма далилли сабаблари асосланган ҳолда рад этиши;

7.2.4. Суғурталовчи қоплаши лозим бўлган зарарларни камайтириш мақсадида амалга оширилган харажатларни, агар ушбу харажатлар зарур ёки Суғурталовчининг кўрсатмаларини бажариш учун амалга оширилган бўлса, қоплаши. Мазкур харажатларни қопланиши суғурталовчи томонидан тегишли харажатлар ҳақидаги далолатнома олингандан кейин бир ой давомида, лекин суғурта товони (суғурта пули) тўлови амалга оширилмасдан аввал амалга оширилади. Бундай харажатлар ҳатто тегишли чоралар муваффақиятсиз бўлса ва зарарларни қоплаш билан биргаликда ушбу Суғурта шартномаси билан белгиланган суғурта пулидан ортик бўлса ҳам, лекин 20% гача ортик бўлган чегарада қопланади;

7.2.5. Ушбу Суғурта шартномасини тузиш билан боғлиқ равишда Суғурта қилдирувчининг мулкий ахволи, ХИЧ объектидан фойдаланишнинг шарт-шароити ва бошқа сирли ахборотни, конун ҳужжатларида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари бошқа ҳолларда ошкор қилмаслиги.

7.3. Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқлари:

7.3.1. Суғурталовчи билан келишилган ҳолда ушбу Суғурта шартномасига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиши;

7.3.2. Суғурта полиси йўқолган тақдирда унинг дубликатини олиши;

7.3.3. суғурта ҳодисасини текширишда иштирок этиши;

7.3.4. суғурта ҳодисасини текшириш натижаларига кўра чиқарилган қарорлар устидан арз қилиши;

7.3.5. Суғурталовчидан ХИЧ объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида бепул ахборот олиши;

7.3.6. ХИЧ объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш масалалари юзасидан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиши.

7.4. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

7.4.1. ушбу Суғурта шартномаси билан белгиланган тартиб, ҳажм ва муддатда суғурта мукофотини тўлаши;

7.4.2. ушбу Суғурта шартномасини тузишда унга маълум бўлган, суғурта қалтислигини баҳолаш учун муҳим аҳамиятга эга тавсилотлар ҳақида, шунингдек мазкур ХИЧ объектига нисбатан барча тузилган ва тузиладиган суғурта шартномалари ҳақида Суғурталовчига хабар бериши;

7.4.3. ушбу Суғурта шартномаси амалда бўлган муддатда ушбу Суғурта шартномасини тузаётганда хабар қилинган тавсилотларда ўзига маълум бўлган ўзгаришлар ҳақида, агар ушбу ўзгаришлар суғурта қалтислиги ошишига аҳамиятли даражада таъсир этиши мумкин бўлса, Суғурталовчига дарҳол хабар қилиши (Тавсилотлар ўзгариши маълум бўлган тақдирда ушбу Шартнома тузилмаслиги ёки сезиларли равишда фарқ қилувчи шартларда тузилиши мумкин бўлган ўзгаришлар муҳим бўлиб тан олинади);

7.4.4. ХИЧ объектида авария пайтидан бошлаб 3 (уч) иш куни ичида ХИЧ объектида содир бўлган ҳар қандай авария ҳақида, шунингдек ХИЧ объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказганлик учун зарарни қоплаб бериш тўғрисида Суғурта қилдирувчига тақдим этилган даъволарга олиб келиши мумкин бўлган авариянинг оқибатлари ҳақида, бошқа шахсларнинг зарарни қоплаб бериш ҳақидаги даъво ва арзлари ҳақида хабар бериши, авария тавсилотлари ва сабабларини тавсифловчи барча ҳужжатларни тақдим этиши;

7.4.5. 3 (уч) иш куни ичида ХИЧ объектида содир бўлган авария муносабати билан зарарни қоплаш

тўғрисидаги унга берилган талаблар (даъво, арзлар) ҳақида Суғурталовчига хабар қилиши;

7.4.6. тегишли суд қарорини олгандан кейин 3 (уч) иш куни ичида Суғурталовчига ХИЧ объектидаги аварияда етказилган зарарни қоплаш мажбурияти юзага келганлигини белгиловчи суд қарори ҳақида хабар қилиши;

7.4.7. ХИЧ объектида аварияларни олдини олиш, ХИЧ объектидан фойдаланишда авария натижасида етказиладиган зарарни камайтириш бўйича зарур ва имкони бор чораларни кўриши;

7.4.8. авария содир бўлганда етиши мумкин бўлган зарарни камайтириш учун юзага келган вазиятда оқилона ва имкони бор чораларни кўриши. Бундай чораларни амалга ошираётганда Суғурта қилдирувчи Суғурталовчининг кўрсатмаларига, агар улар Суғурта қилдирувчига хабар қилинган бўлса, риоя этиши шарт;

7.4.9. бошқа шахсларга қўйилган талабларни ҳал этиш бўйича ҳар қандай мажбуриятларни Суғурталовчининг ёзма розилигисиз ўз зиммасига қабул қилмаслиги.

7.5. Суғурта қилдирувчининг ХИЧ объектининг ўзига хос томонларидан келиб чиққан мажбуриятлари:

а) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларининг талабларига, саноат хавфсизлиги соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиши;

б) агар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензиялаш мажбурияти белгиланган бўлса, ХИЧ объектидан фойдаланиш учун лицензияга эга бўлиши, лицензия олиниши ва унинг амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тугатилганлиги ҳақида хабар қилиши;

в) ХИЧ объектида ишлаш учун тегишли малакага ва бошқа талабларга жавоб берувчи ҳамда мазкур ишни бажариши тиббий таъқиқланмаган шахсларни кўйиши;

г) саноат хавфсизлиги талабларини бажарилишини ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиши ва назорат қилиши;

д) белгиланган талабларга мувофиқ зарур ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш асбоб-ускуналари ва тизимлари бўлиши ва ишлашини таъминлаши;

е) мутасадди идоранинг тартибидаги кўрсатмасига кўра ва муддатларда саноат хавфсизлиги текширувини таъминлаши, ХИЧ объектида фойдаланилаётган қурилмалар ва техник ускуналарнинг ташҳиси, синови, тасдиғини амалга ошириши;

ж) ХИЧ объектига бегона шахслар киришининг олдини олиши;

з) хавфли моддалардан фойдаланишга қўйилган саноат хавфсизлиги талаблари бажарилишини таъминлаши;

и) ХИЧ объектида авария содир бўлса, шунингдек саноат хавфсизлигига таъсир этувчи янги тасилотлар аниқланган тақдирда зарарнинг олдини олиш ва (ёки) камайтириш доирасида ХИЧ объектидан фойдаланишни мустақил равишда ёки суд қарорига биноан тўхтатиши;

к) ХИЧ объектида авариянинг оқибатларини тарқалишини олдини олиши ва бартараф этиши, Суғурталовчини тегишли равишда ва мантқан қисқа муддатларда хабардор қилган ҳолда авария сабабларини текширишда давлат идораларига кўмаклашиши;

л) авария содир бўлиши сабабларини бартараф этиш ва профилактика чораларини кўриши.

7.6. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари:

7.6.1. ушбу Суғурта шартномасининг шартларига мувофиқ хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш суғурта товонини олиши;

7.6.2. суғурта ҳодисасини тергов қилишда катнашиши;

7.6.3. суғурта ҳодисаларини тергови натижалари бўйича Суғурталовчининг қарори устидан арз қилиши;

7.6.4. Суғурталовчидан ХИЧ объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида маълумот олиши;

7.6.5. хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси масалалари бўйича ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиши.

7.7. Бошқа шахсларнинг мажбуриятлари:

7.7.1. махсус идоралар томонидан берилган, ХИЧ объектида авария натижасида зарар кўрилганлигини ва унинг миқдорини тасдиқловчи зарур ҳужжатларни тақдим этиши;

7.7.2. содир бўлган суғурта ҳодисасини мустақил текширувини ўтказишга Суғурталовчига кўмаклашиши;

7.7.3. Суғурта қилдирувчи ва Суғурталовчи ҳамда бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.7.4. Суғурта қилдирувчи ва ёки Суғурталовчи ушбу Суғурта шартномаси билан назарда тутилган

мажбуриятларни бажармаганда улар ушбу Суғурта шартномаси ва Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг талабларига мувофиқ жавобгардирлар.

8-БЎЛИМ. ДАЪВОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

8.1. ХИЧ объектида бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғи ва/ёки мол-мулкига ва/ёки атроф-муҳитга зарар етишига олиб келган авария содир бўлган тақдирда Суғурта қилдирувчи Суғурталовчининг кўрсатмаларига, агар улар Суғурта қилдирувчига хабар қилинган бўлса, амал қилиши шарт.

8.2. Ушбу шартнома доирасида Суғурталовчига суғурта товони тўлови бўйича талаб қўйилишига асос бўлиши мумкин бўлган воқеа содир бўлса, Суғурта қилдирувчи:

- содир бўлган воқеа ҳақида мутасадди идораларга дарҳол хабар бериши (ёнгин хавфсизлиги идоралари, ички ишлар идоралари ва б.);

- имкони бўлиши биланоқ дарҳол, лекин 72 соатдан кечиктирмай Суғурталовчини бу ҳақда хабардор қилиши ва воқеа содир бўлгандан кейин 5 (беш) иш куни ичида Суғурталовчига воқеа сабалари ва тавсилотлари кўрсатилган хабарномани йўллаши шарт;

8.3. Суғурта товони тўлови ҳақидаги аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган бўлиши шарт:

- Суғурта полиси (асли);

- мутасадди идораларнинг тасдиғи билан зарарга тегишли барча ҳужжатлар;

- ушбу Суғурта шартномаси шартларига мувофиқ воқеа содир бўлганлиги, тавсилотлари ва ҳолатини тасдиқловчи, ушбу суғурта воқеасига тааллуқли бошқа ҳужжатлар;

8.4. Суғурта товони тўлови ҳақидаги аризада Суғурта қилдирувчи қуйидагиларни кўрсатиши шарт:

- ХИЧ объектида авариянинг санаси ва тавсифи;

- авария содир бўлганда Суғурта қилдирувчининг ҳаракатлари;

- тахмин қилинаётган зарар ва Суғурта қилдирувчи даъво қилаётган суғурта товони миқдори;

8.5. Суғурта товони тўлови ҳақидаги ёзма ариза Суғурта қилдирувчининг Суғурталовчига ХИЧ объектида авария натижасида бошқа шахсларга ва/ёки атроф-муҳитга зарар етказилганлиги учун қоплаш мажбурияти юзга келган (суд қарори қонуний кучга киргандан бошлаб ёки Суғурталовчининг розилиги билан ушбу Суғурта шартномасининг 9.4-бандига мувофиқ суғурта товони ҳақидаги келишув имзоланган) пайтдан бошлаб тузилиши ва Суғурталовчига тақдим этилиши шарт.

8.6. Суғурта қилдирувчи ХИЧ объектидаги авария оқибатларини Суғурталовчининг вакиллари билан биргаликда кўриқдан ўтказгандан кейин бартараф этишга (алмаштириш, таъмирлаш) киришиши мумкин. Зарар кўринишини ўзгартиришга фақат хавфсизлик нуқтаи назаридан, зарар миқдорини камайтириш, Суғурталовчининг розилиги билан ёки Суғурталовчини воқеа ҳақида хабардор қилингандан кейин йўл қўйилади.

8.7. Суғурталовчининг вакиллари тавсилотлар, тавсифлар ва зарарнинг миқдорини аниқлаш учун авария жойига эркин кириб-чиқиш имкониятига эга бўлишлари лозим.

8.8. Суғурталовчининг ёзма рухсатисиз Суғурта қилдирувчи ва унинг номидан ҳеч ким содир бўлган воқеа бўйича мажбуриятларни қабул қилиш, тўловларни амалга ошириш ёки жавобгарликни қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас.

8.9. Мазкур воқеага тааллуқли барча тавсилотлар ўрганиб чиқилганганидан кейин Суғурталовчи томонидан содир бўлган воқеани суғурта ҳодисаси деб тан олиш ёки тан олмаслик ҳақида қарор қабул қилинади.

8.10. Суғурталовчининг суғурта товонини рад этиш ёки тўлаш ҳақидаги қарори Суғурта қилдирувчига суғурта товони тўлови ҳақидаги ёзма мурожаат этилгандан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши ва рад этилган тақдирда рад этилишининг далилли сабаблари асосланган бўлиши шарт.

9-БЎЛИМ. СУҒУРТА ТОВОНИ (СУҒУРТА ПУЛИ) МИҚДОРИ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

9.1. Суғурта товони (суғурта пули) миқдори Суғурталовчи томонидан аварияни техник текшируви, суд қарори ва суғурта ҳодисасининг содир бўлиши шарт-шароити, шу жумладан бошқа шахсларга етказилган зарар миқдорини ўз ичига олган бошқа ҳужжатлар асосида аниқланади.

9.2. Суғурта товони (суғурта пули) тўлови суғурта ҳодисасини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тузилган томонлар имзолаган Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома асосида амалга оширилади.

9.3. Суғурталовчи, Суғурта қилдирувчи ва Наф олувчи ўртасида суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ёки бўлмаганлиги, Наф олувчи суғурта товонини олишга ҳақли эканлиги, Суғурта қилдирувчи суғурта товонини қоплаши мажбурияти ва суғурта товонининг миқдори юзасидан баҳс бўлмаган тақдирда эълон қилинган талаблар Суғурталовчининг розилиги билан суддан ташқари (судгача) бўлган тартибда қониқтирилиши ва суғурта товони тўланиши мумкин.

9.4. Суғурта ҳодисаси суддан ташқари тартибда ҳал этилганда Суғурталовчи томонидан зарарнинг ва

суғурта тўловининг миқдори мутасадди идораларнинг зарар, унинг тавсилотлари ва оқибатлари тўғрисидаги, етказилган зарарнинг миқдорини, ХИЧ объектидаги авария ва етказилган зарар ўртасидаги сабаб ва оқибати жиҳатидан боғлиқликни тасдиқловчи ҳужжатлари асосида аниқланади.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар асосида Суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома тузилиб, Суғурталовчи, Суғурта қилдирувчи ва зарурат туғилса, Наф олувчи томонидан имзоланади ва Суғурта қилдирувчининг зарар етказилганлиги учун фуқаролик жавобгарлиги юзага келганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Суғурталовчи ХИЧ объектидаги авария натижасида етказилган зарарнинг ҳақиқий миқдорини аниқлаш учун мустақил экспертлар ва/ёки бошқа шахсларни (ёки ташкилотларни) жалб қилишга ҳақли.

9.5. Суғурта товони тўлови бошқа шахсларнинг ХИЧ объектида авария бўлган пайтдан бошлаб уч йил ўтгунга қадар кўйилган талабига (зарарни қоплаш тўғрисидаги талабларга) кўра амалга оширилади.

9.6. Суғурта товони (суғурта пули) тўлови Суғурта Выплата страхового возмещения (страховой суммы) осуществляется в течение 10 (десять) рабочих дней со дня подписания Акта о страховом случае.

9.7. Суғурта товони тўлови ушбу Суғурта шартномасининг 1-иловасида кўрсатилган, белгиланган суғурта пуллари чегарасида амалга оширилади.

Агар ушбу Суғурта шартномаси бўйича турлича энг кам суғурта пуллари белгиланган бир нечта ХИЧ объектлари суғурталанган бўлса, аниқ суғурта ҳодисаси бўйича суғурта товони тўлови фойдаланилаётганда авария юз берган ХИЧ объекти бўйича белгиланган суғурта пули чегарасида амалга оширилади. Энг кам суғурта пулида ошган зарарнинг ўрнини бошқа ХИЧ объектлар учун белгиланган суғурта пуллари эвазига қоплашга йўл кўйилмайди.

9.8. Суғурта товони тўлови ушбу Суғурта шартномаси тузилаётган кунда миқдори белгиланган суғурта пуллари чегарасида ва барча ҳолатларда улардан ошиб кетиши мумкин эмас, ушбу Суғурта шартномасининг 7.2.4-бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

9.9. Авария оқибатларидан келиб чиқиб, суғурта товони ўз ичига қуйидагиларни олади:

а) жабрланувчининг мол-мулкини йўқотилиши ёки зарарланишидан етказилган зарарни тиклаш.
б) жабрланган шахснинг (Наф олувчининг) ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш. Махсус кўшимча шарт: Ҳаёт ва/ёки соғлиққа етказилиши билан боғлиқ бошқа шахсга (Наф олувчига) тегишли суғурта товони миқдорини аниқлашда содир бўлган воқеа тавсифи ва тавсилотларидан келиб чиқиб, тезкор ва сифатли суғурта ҳимоясини тақдим этиш мақсадида Суғурталовчи ўз хоҳишига кўра суғурта товонини белгилашнинг турли услуб, шакллари белгилаши ва тўлаши мумкин.

в) атроф-муҳитга етказилган зарарни қоплаш (ернинг, унинг қарисининг, остки ва устки сувларининг ифлосланиши);

г) ушбу Суғурта шартномасининг 7.2.4-бандига мувофиқ харажатларнинг ўрнини қоплаш.

9.10. Суғурта товони (суғурта пули) бевосита Наф олувчига – бошқа шахсга (шахсларга) тўланади. Ушбу Суғурта шартномаси 7.2.4-бандида кўрсатилган харажатларни Суғурта қилдирувчига қопланади.

9.11. Суғурта товони тўлови томонлар суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатномани имзоланган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни ичида барча ҳолат ва тавсилотлар ўрганиб чиқилгандан кейин амалга оширилади.

9.12. Суд қарори устидан белгиланган тартибда арз (норозилик) қилинган тақдирда, агар бирламчи қарорга биноан ижобий ёки салбий ҳулоса қилишнинг имкони бўлмаса, Суғурталовчи суғурта товони (суғурта пули) тўлаш масаласини якуний суд қарори чуққунга қадар қолдириши мумкин.

9.13. Суғурталовчи етказилган зарарни аниқлаш мақсадида кўшимча текширув ўтказишга ҳақли. Шу муносабат билан у аварияни техник текшируви материалларини, зарар етказилганлиги юзасидан мутасадди идораларнинг ҳужжатларини, тиббий ҳулосаларни, йўқотилган (шикастланган, нобуд бўлган) мол-мулк ҳақида ҳулоса қилишга имкон берувчи ҳисоб-китоб ҳужжатларини, амалга ошириган ишлар қийматини, шунингдек боқа зарур ҳужжатларни талаб қилишга ҳақли.

9.14. Агар суғурта ҳодисаси содир бўлган пайтда Суғурта қилдирувчининг ушбу Суғурта шартномаси билан суғурталанган жавобгарлиги бошқа суғурталовчиларда суғурталанганлиги маълум бўлса, ушбу қалтисликка нисбатан Суғурта қилдирувчи томонидан тузилган барча суғурта шартномалари бўйича умумий пулига ҳар бир суғурталовчи ўзи тузган суғурта шартномаси бўйича суғурта пулини мутаносиб миқдорда суғурта товони тўлайди.

9.15. Етказилган зарар бошқа шахслар томонидан ҳам қопланадиган ҳолатларда Суғурталовчи ушбу Суғурта шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта товони (суғурта пули) билан бошқа шахслар томонидан қопланган пуллар ўртасидаги фарқни тўлайди. Суғурта қилдирувчи бошқа шахслар томонидан зарарни қопланиши тўғрисида ўзига маълум бўлганда 10 (ўн) банк куни ичида суғурталовчини хабардор қилиши шарт.

9.16. Агар Суғурта қилдирувчи ушбу Суғурта шартномаси тузилган ХИЧ объектидан фойдаланиш натижасида етказилган зарарни суд қарори ижроси асосида қопласа, Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига

суғурта товонини (суғурта пулларини) у амалга оширган зарарни ўрнини қоплаш харажатлари миқдоридан, лекин белгиланган суғурта пулидан ошмаган миқдорда тўлайди.

9.17. Агар қандайдир ҳолатлар (шарт-шароитлар) ушбу Суғурта шартномасида ўз аксини топмаган бўлса, Суғурталовчи ўз ихтиёрига кўра Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ компромисс қарор қабул қилиши мумкин.

10-БЎЛИМ. СУБРОГАЦИЯ

10.1. Суғурта товони тўланганидан кейин Суғурта қилдирувчи ёки ушбу Суғурта шартномаси фойдасига тузилган шахс зарар етказилганлигида айбдор шахслардан талаб қилиш ҳуқуқи (тўланган пуллар доирасида) Суғурталовчига ўтади.

Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига айбдор шахсдан талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун барча зарур ҳужжатларни тақдим этиши ва барча ҳаракатларни амалга ошириши шарт.

11-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

11.1. Томонлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгардирлар.

11.2. Суғурта товони тўлаш мажбуриятларини бажарилишини кечиктирганлик учун Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига ҳар бир кечитирилган кун учун тўланиши лозим бўлган пулнинг 0,10% миқдоридан, лекин тўланиши лозим бўлган маблағнинг 10 (ўн) % дан ошаган миқдорда неустойка тўлайди. Неустойка тўланиши Суғурталовчинини суғурта товони тўловидан озод этмайди.

11.3. Томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликлари енгиб бўлмас куч (форс-мажор) келтириб чиқарган бўлса, жавобгарликдан озод бўладилар. Енгиб бўлмас куч таъсирида бўлган томон бошқа томонни унинг юзага келганлиги ва кўрсатилган ҳолат қанча давом этиши мумкинлиги ҳақида ҳадардор қилиши шарт.

12-БЎЛИМ. БАҲСЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

12.1. Ушбу Суғурта шартномаси бўйича келиб чиқадиган баҳслар Суғурта қилдирувчи ва Суғурталовчи, зарур ҳолатда Наф олувчи ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади. Баҳсли масалалар бўйича келишувга эришишнинг имкони бўлмаса, уларни ҳал этилиши хўжалик судига қонун ҳужжатларида кўрсатилган тартибда тақдим этилади.

13-БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР

13.1. Ушбу Суғурта шартномасига барча қўшимчалар ва ўзгартиришлар томонларнинг розилиги билан ёзма кўринишда бўлиши шарт.

13.2. Ушбу Суғурта шартномаси бир нусхадан ҳар бир томонда сақланувчи ва бир хил юридик кучга эга икки нусхада тузилди.

14-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

СУГУРТАЛОВЧИ

«EUROASIA INSURANCE» ҚК СК МЧЖ

Боғишамол филиали

Манзил: Самарқанд шаҳар Гагарин кучаси 192 уй

тел: +99891554-10-10

б/рақами: 2021 4000 6039 6842 0096

Миллий банк Регистон филиали

Банк коди: 01112 СТИР: 202 723 160

ХХТУТ: 96220

Ашуров А.Д.

ИМЗО



СУГУРТА ҚИЛДИРУВЧИ

ООО «SAMARQAND SUV TA'MINOTI»

Манзил: г. Самарқанд ул. Узбекистанская 114-А

б/р: 2021 0000 1003 0774 3001

Сам. обл. Отд. АКИБ «Ипотека банк»

Банк коди: 00312

СТИР: 200 613 125

ОКЕД: 36000

Юсупов К.Ш.

М.ў.



Юсупов К.Ш.

2022 йил «13» Январь даги

FD/13-13/051-сонли

Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш Шартномасининг 1-иловаси

СУГУРТА ШАРТНОМАСИНИНГ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

| | | |
|-----|--|--|
| 1. | Суғурта қилдирувчи: | ООО «SAMARQAND SUV TA'MINOTI» |
| 2. | Хавфли ишлаб чиқариш объектининг тўлиқ номи: | “Шахар чеккасидаги окова сувларини тозалаш иншооти” (Аэрация станцияси) |
| 3. | Объектнинг манзили: | Самарқанд вилоят Самарқанд тумани Ф. Косимова ж/х Захлик кишлоғи |
| 4. | Ҳар бир ХИЧ объекти бўйича суғурта пули: | 13 500 000 000 (ўн уч миллиард беш юз миллион) |
| 5. | Суғурта шартномаси амалда бўладиган муддат: | 2022 йил «13» Январьдан 2023 йил «12» Январьгача |
| 6. | Суғурта муддати: | Суғурта полисида кўрсатилганидек. |
| 7. | Суғурта пули: | 12 000 000 (ўн икки миллион) |
| 8. | Суғурта муддати: | 2022 йил «13» Январьдан 2023 йил «12» Январьгача |
| 9. | Ўзаро ҳисоб-китоб валютаси: | сум |
| 10. | Суғурта мукофотини тўлаш тартиби: | Суғурта шартномаси имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) иш куни ичида тўлиқ бир вақтнинг ўзида. |

ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ:

СУГУРТАЛОВЧИ НОМИДАН
«EUROASIA INSURANCE» ҚҚ
СК МЧЖ Боғишамол филиали

Ашуров А.Д.

СУГУРТА ҚИЛДИРУВЧИ НОМИДАН
ООО «SAMARQAND SUV TA'MINOTI»

Ашуров К.Ш.

